

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сезиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланнишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифицикланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланishiга йўл қўймаслик;
- газ этказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазиспекция" ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасининг кўннинг исталган вақтида эркин кўздан кечирилиши таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракаатларни амалга оширмаслик, уларнинг касадан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишдаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.
- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПТХНАТ-АСКУ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилш.
- 7.4. Истеъмолчи Этказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:
 - этказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Этказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
 - табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва этказиб берил режимга риоя қилган ҳолда узатилиши;
 - табиий газни этказиб берил шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун туланган суммани қайтариш;
 - табиий газни этказиб берил шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
 - табиий газни этказиб берил тўхтатишганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
 - газ этказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 8.1. Этказиб берувчи Истеъмолчига газ этказиб берил шартномасига асосан газ этказиб берилмаган ёки тўлиқ этказиб берилмаганлиги оқибатида этказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди. Этказиб берувчи газни этказиб бермаганлик ёки тўлиқ этказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:
 - а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
 - б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
 - в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида этказиб берилган табиий газ ҳажми Этказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ПТХНАТ)га уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритилиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интeрактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Этказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ этказиб бeриш-қабул қилиш дeлолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ этказиб бeриш-қабул қилиш дeлолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварақ-фактура юборилади.

4.14. Этказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳақонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни этказиб бeриш-қабул қилиш дeлолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

- а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
- б) Истеъмолчига тақдим этилган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасига таъминот бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги дeлолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи бeлашсида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб бeрилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Этказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ этказиб бeриш ва қабул қилиш дeлолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Этказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ этказиб бeриш-қабул қилиш дeлолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактура ни қабул қилади.

4.16. Табиий газни этказиб бeриш-қабул қилиш дeлолатномасини имзоласлик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчининг кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмларини учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон дeлолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрда маълум қилиб, сўнг дeлолатноманинг бир нусхасини Этказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро хал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Этказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (наҳллар) ўзгарганга қадар, Этказиб берувчи бу ҳақдаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганда, мажбури шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қўчга киргандан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аввас тарихидада тўланган ҳажми учун тўлов қўшилган бошлаб кўли билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.